



## Ислom Нури

Ўқувчиларимизга ва муаллифимизга раҳмат.

Муаллиф: Шайх Носир Муҳаммад Аҳмад  
Мутаржим: Абу Жаъфар ал-Бухорий

Ўқувчиларимизга ва муаллифимизга раҳмат.

Аллоҳга ҳамдлар, (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавоту саломлар) бўлсин.

Сўнг...

Одамзотга маълумки, инсонлар ақллари билан эзгулик йўллари идрок этиб, ўзи учун тўғри йўлни топиб олиши мумкин эмасдир. Ақл, ўзига фойда ёки зарар келтиришга қодир эмасдир. Қалблар эгадорлик ва барча ишлар қўлида бўлган Якто, Самад-Беҳожат ва Мутакаббир Аллоҳга ишониб, таслим бўлмагунича, нафслардан бахтиқароликни кўтаришга, ўзи ва кўнгиллардаги беқарорлик ва безовталиқни кетказишга қодир эмасдир. Аллоҳ таоло айтди:

وَمَا يَكْفُرُ الْإِنْسَانُ لِمَ لَقِيَهِ الْإِلَهَ الْكَرِيمَ  
الَّذِي أَنزَلَ الْكِتَابَ فِيهِ ذِكْرُهُ وَالْإِنْسَانُ لِرَبِّهِ  
كَفُورًا

**«Йўқ, ким яхшилик қилган ҳолида ўзини Аллоҳга топширса, унинг учун Аллоҳ ҳузурда ажр бор ва улар учун хавфу хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар» (Бақара: 112);**

وَمَا يَكْفُرُ الْإِنْسَانُ لِمَ لَقِيَهِ الْإِلَهَ الْكَرِيمَ  
الَّذِي أَنزَلَ الْكِتَابَ فِيهِ ذِكْرُهُ وَالْإِنْسَانُ لِرَبِّهِ  
كَفُورًا



## Ислом Нури

**«Ҳақиқий мусулмон бўлган ҳолида ўзини Аллоҳга топширган ва ҳақ йўлдаги Иброҳимнинг динига эргашган кишининг динидан ҳам гўзалроқ дин борми?!» (Нисо: 125).**

Суюкли дўстим, Аллоҳ устингидан баракотларини ёғдирсин, тавҳид ва эътиқоднинг аҳамияти ҳақида баён қилинган қуйидаги ўн тўртта нуқтага қулоқ беринг:

### **Биринчи нуқта:**

Дарҳақиқат, Аллоҳга таслим бўлиш ва Уни ибодат билан яктолаш, мўъминни хулқи ва тафаккурида кўнгиллар тойилиши, нафсларнинг оғиши, жаҳолат зулматлари ва хурофот хаёлларидан, Аллоҳнинг оятларини озгина пулга сотиб олаётган маккорлар, дажжоллар ва ёмонлик раввинию роҳибларидан, чексиз ва тутуриқсиз ҳиссиётлардан қутқариб қолади.

Аллоҳнинг тавҳиди – «Ла илаҳа иллаллоҳ ва Муҳаммадур Расулуллоҳ» жумласини лафзи, маъноси, тақозолари ила амалга ошириш билан Аллоҳ таолонинг ўзигагина тўқис қуллик қилиши, мусулмоннинг унга ҳаётини: намози, ибодати, ҳаёти, мамотини барпо қилиши, демакдир. Эътиқодда ҳам тавҳид, ибодатда ҳам, қонунда ҳам тавҳид ... Кўнгил ва қалблар тавҳид билан эътиқодда Аллоҳдан бошқа бирон кимсанинг илоҳлигидан, узвлар ва анъаналар Аллоҳдан бошқа бировга юзланишдан, қонун ва ҳукмлар эса Аллоҳдан бошқалардан олинишдан покланади.

Тавҳид – диннинг аввали-ю охири, зоҳири-ю ботини, тамойилларнинг қутби, энг баланд чўққиси бўлиб, унга далиллар бор ва ҳужжатлар шунга чорлаган, уни оятлар баён қилган, ҳужжатлар асослаган. Унга



## Ислом Нури

кўра қибла белигиланган, Уммат тикланган, зимма олинган, жонлар ҳимоя қилинган, Куфр диёри Ислом ўлкасидан айрилган, одамлар бахтиёр ва бахриқарога, ҳидоятланган ва адашганларга бўлинган.

### Иккинчи нуқта:

Қуръон жуда ҳам катта мавзу – Аллоҳнинг тавҳидига етарлича эътибор берган. Пайғамбарларнинг биринчи вазифаси (ҳам тавҳид бўлган):

«Аллоҳнинг ҳақиқати Аллоҳдан бошқа йиллашмиш бўлмаган ва йиллашмиш бўлмаган, Аллоҳнинг ҳақиқати Аллоҳдан бошқа йиллашмиш бўлмаган ва йиллашмиш бўлмаган»

**«Аниқки, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинлар ва шайтондан йироқ бўлинглар», (деган ваҳий билан) бир пайғамбар юборганмиз»** (Наҳл: 36);

«Аллоҳнинг ҳақиқати Аллоҳдан бошқа йиллашмиш бўлмаган ва йиллашмиш бўлмаган, Аллоҳнинг ҳақиқати Аллоҳдан бошқа йиллашмиш бўлмаган ва йиллашмиш бўлмаган»

**«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Биз сиздан илгари юборган пайғамбарлардан сўраб (яъни улар келтирган диний таълимотларни ўрганиб) боқинг-чи, Биз Раҳмондан (яъни Ўзимиздан) ўзга ибодат қилинадиган «илоҳ»лар қилганмиканмиз?! (Йўқ, барча пайғамбарлар ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга даъват этгандирлар)!»** Зухруф: 45).

Қуръон бошдан оёқ тавҳид ҳақида гапиради, унинг ҳақиқатини, унга даъват қилишни ва дунёю охиратдаги нажот ва саодат унгага боғлиқлигини, муваҳҳидларнинг Роббилари ҳузуридаги мукофоту эҳтиромларини баён қилган. Жумладан, унинг зидди бўлган Аллоҳга ширк келтириш, мушрикларнинг аҳволи, дунёдаги машъум



## Ислom Нури

оқибатлари ва охирадаги хўрловчи қийноқлари ҳақида ҳам тўхталган:

«Қабул қилинган ҳаққоний ҳақиқатларни қайтариб олиш ва ҳаққоний ҳақиқатларни қайтариб олиш»

**«Ким Аллоҳга ширк келтирса бас, у осмондан қулагану, уни (бирон ваҳший) қуш (ўлжа қилиб) олиб кетган ёки (қаттиқ) шамол йироқ жойларга учуриб кетган кабидир»** (Ҳаж: 31);

«Қабул қилинган ҳаққоний ҳақиқатларни қайтариб олиш ва ҳаққоний ҳақиқатларни қайтариб олиш»

**«Албатта Аллоҳ Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас»**(Нисо: 48

Фармонлар, таъқиқлар, ибодатларни қилиш ва ҳаром нарсалардан сақланиш, тавҳиднинг ҳуқуқлари ва тўлдирувчиларидир. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юборилиши, рисолати, аввалидан охиригача – Макка ва Мадинадаги, турар жойи ва сафаридаги, тинчлик ва уруш даврларидаги ҳаётининг ҳар бир лаҳзаси, Муддассир сурасидаги умумий чақириқ:

«Қабул қилинган ҳаққоний ҳақиқатларни қайтариб олиш ва ҳаққоний ҳақиқатларни қайтариб олиш»

**«Бутлардан йироқ бўлинг!»** (Муддассир: 5), қариндошларга хос чақириқ:

«Қабул қилинган ҳаққоний ҳақиқатларни қайтариб олиш ва ҳаққоний ҳақиқатларни қайтариб олиш» \* «Қабул қилинган ҳаққоний ҳақиқатларни қайтариб олиш»



## Ислом Нури

**«Бас (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз Аллоҳ билан бирга бошқа бирон «илоҳ»га илтижо қилманг! Акс ҳолда азоблангувчи кимсалардан бўлиб қолурсиз. Ва яқин қариндош-уруғларингизни(Аллоҳнинг азобидан) огохлантингиз!»** (Шуаро: 213, 214) оятидан тортиб то даъватни ошкора қилиш:

□□□□□□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□ □

**«Бас, сиз ўзингизга буюрилган ишни (яъни, ҳақ динга даъват қилишни)юзага чиқаринг ва мушриклардан юз ўгиринг!»** (Ҳижр: 94), ундан кейин ҳижрат фармони:

□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□ □□□ □

**«Ғамгин бўлма, шубҳасиз, Аллоҳ биз билан биргадир»** (Тавба: 40), уруш ва жиҳод қилиш амри:

□□□□ □□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□ □□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □

**«Улар ўз диёрларидан фақатгина «Бизнинг Парвардигоримиз (ягона)Аллоҳдир», деганлари учун қувилган зотлардир»** (Ҳаж: 40), бутлар парчаланиб, Макка фатҳи:

□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□ □

**«Яна айтинг: «Ҳақиқат (яъни, Ислом) келди ва ботил (яъни, куфр) ўчиб-йўқолди. Чунки ботил йўқолгувчи нарсадир»»** (Исро: 81), Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафоти яқинлашгани ҳақида маълумот:



## Ислом Нури

«Дарҳол Парвардигорингизга ҳамд айтиш билан (У зотни ҳар қандай «шерик»лардан) покланг ва У зотдан мағфират сўранг! Зеро У тавбаларни қабул қилгувчи бўлган зотдир» (Наср: 3),  
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўлим тўшагида: «Пайғамбарларининг мазорларини саждагоҳ қилиб олган яҳудиф ва насронийларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!»– деган пайтигача ўтган ҳар бир лаҳза, тавҳид эълони ва ҳужжатлари, ширк ва ширк кўринишларига қарши кураш билан лиммо-лим эди. Пайғамбарликнинг бари шунга асосланган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам танҳо бўлишларига қарамай тавҳидни ўрнатишга ҳаракат қилдилар. Дарада қамалда қолганида, ортидан қаттиқ қидирув бўлаётган ҳижрат йўлларида, Мадинада дўстлари ва ҳамкорлари орасида даъвати ғолиб бўлганида, тавҳид ҳақидаги гапларини тўхтатмадилар. Макка бутунлай фатҳ бўлганида ҳам бу йўлни тўхтатмадилар. Тавҳидни ҳаётга татбиқ қилиш ва ширкдан воз кечиш даъвати ўрнига, уруш қилишга қўл бериш билан кифояланмадилар. Булар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг девон қилинган таржимаи ҳоли ва саҳиҳ ҳадисларида қайд этилган. Унинг орқасида эса Қуръон бордир.

Шу боис, тавҳид биринчи ўринда бўлди ва ҳар бир аср ва ўлкада биринчи ўринда бўлиши шарт. Исломнинг бешта катта рукни ва катта аломатлари эса, тавҳиднинг эълон қилиш, шакллаш, ҳаётга татбиқ қилиш, эслатиш ва амалга ошириш учун мавжуддир.

Икки шаҳодат калимаси тавҳиднинг исботи – кўпхудоликни рад этиш, қонунчилик ва издошликни юборилган пайғамбар Муҳаммад



## Ислом Нури

соллаллоҳу алайҳи ва салламга чеклашни ўз ичига олади.

Намоз, Аллоҳдан бошқа барча нарсдан воз кечиш ва уларни эътиборсиз қолдиришга асосланган такбир билан бошланади ва намоздаги Қуръон оятлари ва зикрларнинг:

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □

**«Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз»** (Фотиҳа: 5) босқичларида бўлиши кифоядир.

Закот эса ибодатда, Аллоҳ таолони буюк Робб деб эътироф этишда ва уни Аллоҳ учун холис, дирҳам ва динор қуллигидан безор бўлиб чиқаришда намознинг қаринасидир:

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□ □□□□□□□□ ●□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□ □

**«Закотни (ҳақдорларга) ато этмайдиган, ўзлари охиратга кофир бўлган мушрикларга эса ҳалокат бўлгай!»** (Фуссилат: 6, 7).

Рўзадор, ҳақиқий рўзада, таоми, ичимликлари ва шаҳватидан Роббиси ва Хожаси учун воз кечади.

Ҳажда Макка водийларидаги Уммат шиори эса, тавҳид билан талбия айтиш ва ширкни рад этишдир.

### Учинчи нуқта:

Ишнинг муҳимлиги, одамларнинг Тўғри йўлдан оғиш ва кўнгилларнинг адашиш хатари бўлгани учун ҳам, мазкур далиллар,



## Ислом Нури

бир–бирига чирмашган ҳужжатлар ва тавҳид ҳақидаги етарли далиллар юборилди. Одамзотни алдаш ва тузоққа тушириш учун кўз тиккан қанча шайтонлар бор экан, қандай қилиб одамзотга ғамғўрлик қилинмасин?! Қудсий ҳадисда шундай дейилган: **«Бандаларимнинг барчасини ботил диндан ҳақ динга ўтадиган қилиб яратдим ва уларнинг олдига шайтонлар келиб динларидан қайтарди, уларга ҳалол қилган нарсаларимни ҳаром қилишди ва Мен бирон ҳужжат нозил қилмаган нарсаларни Менга шерик қилишга буюришди»** (Иёз Мужошиъий разияллоҳу анҳу ривояти. Имом Муслим 5109).

Қандай ҳушёр бўлинмасин, ахир Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Уммат ичидан сараланган саҳобаларнинг бошига ширк келишидан ҳадикда бўлдилар: **«Сизлар учун қўрққан энг хатарли нарсам - кичик ширкдир»** (Имом Аҳмад 24030, 24036). Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **«Ширк умматим ичида қумурсқанинг ўрмалашидан кўра хуфёнадир!»**- деган ҳадислари ҳақида тафаккур қилиб кўрсак, хавф яна ҳам кучаяди (Имом Аҳмад 19835). Ҳатто, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Умматимнинг бир гуруҳи бутларга сиғинади ва (айрим) қабилалар мушрикларга қўшилиб кетади»**- дея дарак ҳам бердилар. Нега тавҳиддаги бўшлиқ, чин ибодат ва ёлборишдаги нуқсонга ҳушёр турилмасин?! Нега ширк, ширкнинг анвойи турлари ва омиллари ҳақида ҳушёр турилмасин?! Ахир Аллоҳ таоло Қуръон Каримида шундай демоқда:

□□□□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□ □

**«Уларнинг кўплари Аллоҳга фақат мушрик бўлган ҳолларидагина иймон келтирадилар»** (Юсуф: 106)?! Сиз турфа





## Ислом Нури

рангдаги жоду, фолбинлик, шумланиш, тумор ва Аллоҳ номига онт ичиш, солиҳ одамлар ҳақида ғулув кетиш турларига бир боқинг! Аллоҳдан бошқасига дуо қилиш, қабрда ётган мурдалардан мадад тилаш, дахмалар атрофида тавоф қилиш, у ерда ётганлардан дуолар ишташ, мозорларга қандил ва пардалар осиш, уларнинг олдида ва уларга атаб жонлиқлар сўйиш, мозорларни силаш авжига чиқиб, иш шу даражада кучайиб бормоқдаки, мозорлар олдини сайилгоҳ ва ибодат маконлари қилиб олинмоқда. Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ!

Тавҳидга бўлган эътиқодидаги бузуқлик кўринишларидан бири – зиёли ва маърифатпарвар бироқ Аллоҳнинг ҳукмига норози ва унга таслим бўлмаган одамлар гуруҳи борки, улар Аллоҳнинг бирон жазоси ижро этилса жунбушга келиб, кўнгиллари титраб, безовта бўла бошлайдилар. Уларга бу залолатларида ҳамкор бўлган дўстлари бўлиб, ўзларини «ҳуқуқбонлар» деб атайдилар. Аслида, шундай одамлар сабабли инсон ва халқлар ҳуқуқи поймол бўлмоқда. Уларнинг тасаввурига кўра Ислом дини хотин-қизлар ҳуқуқини поймол қилади, Ислом жиноятлар учун тайинлаган жазолар эса шафқатсизлик, ваҳшийлик ва қоқлоқликдан бошқа нарса эмас. Муртадлик ҳукми эса «яратувчанлик» ва «фикрлаш» хурриятига таҳдид, шарият аҳкомларининг барчаси қоронғулик, тассуб ва ёпиқ асрга қайтишдир. Ҳатто, улар шариятни террорнинг ҳалокатли даричасига олиб кириб қўйдилар!

□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□ □□□□□□□□ □□□□□  
□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□ □□□□□□□□ □□□ □□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□  
□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □

**«Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида**



## Ислom Нури

**чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича - бўйинсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар»(Нисо: 65).**

Тавҳид – хор ва Ер ютишига, хўрланишга ва қарамликка лойиқ бўлган одамлар учун оғирдир. Ер юзида бузғунчиликка интилиб, ботқоқларда ботиб қолган одамларга оғирдир:

□□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□  
□□□□□□□ □□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□  
□□□□□□□□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□ □

**«Қачон ёлғиз Аллоҳ зикр қилинса, охиратга иймон келтирмайдиган кимсаларнинг диллари сиқилиб кетар. Қачон У зотдан ўзга бутлар зикр қилинганида эса баногоҳ улар шодланиб кетурлар» (Зумар: 45).**

Дарҳақиқат, улар тасавурида қул ва тафаккурида мушрик бўлганлари учун ҳам, тавҳидни ва тавҳиднинг софлигини билмайдилар. Улар Аллоҳ нозил қилган таълимотларга кофир бўлиб, улардан нафратланган одамларга гўё: Биз сизларга баъзи ишларда, йўқ, барча ишларда итоат қиламиз!,- демоқдалар. Улар тавҳидни билмай, уни ҳаётга татбиқ этмай, гўё, ўзларининг Ислom аҳлидан тафаккури, белгилари, дунёқараши ва ғояларида айри, сиёсат, иқтисод, жамият ва одобларда Шарқ ёки Ғарбдан келган нарсаларга боғлиқ гуруҳ эканликларини намоён этмоқдалар. Бу уларнинг Уммат тарихи, салобати ва меросини билмасликлари ва унга қарши чиқишларида очиқ намоён бўлмоқда.



## Ислом Нури

### Тўртинчи нуқта:

Қалблар ва кўнгиллар тавҳид билангина қувонади. Тавҳид асосидагина дўстлик ва душманлик, муҳаббат ва нафрат бўлади. Пойдеворида эътиқод ва Аллоҳ йўлидаги муҳаббат бўлган барча алоқа ва муносабат кучаяди. Иймон риштаси қаршисида ирк, тупроқ ва ранг ришталари йўқ бўлиб кетади. Аллоҳга яқинлаштирадиган амалларни қилишларига қарамай, мушрикалрдан амаллари қабул қилинмайди:

«مَنْ كَفَرَ بِاللَّهِ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُ بِالْبَيِّنَاتِ مِنْهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ فَاعْتَدِ اللَّهُ لِكُفَّارِيهِمْ عَذَابًا أَلِيمًا»

**«Агар улар мушрик бўлганларида қилган амаллари беҳуда кетган бўлур эди» (Анъом: 88).**

Тавҳид амалга ошмас ва чин ихлос бўлмас экан, шафоат қилгувчиларнинг ҳомийлиги, солиҳ инсонлар ҳатто расул ва анбиёлар саййиди Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дуоси ҳам қабул бўлмайди. Сўзимизнинг тасдиқи ўлароқ ушбу оятларни ўқинг:

«مَنْ كَفَرَ بِاللَّهِ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُ بِالْبَيِّنَاتِ مِنْهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ فَاعْتَدِ اللَّهُ لِكُفَّارِيهِمْ عَذَابًا أَلِيمًا»

**«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), хоҳ улар учун мағфират сўранг, хоҳ мағфират сўраманг — агар етмиш марталаб улар учун мағфират сўрасангиз ҳам, Аллоҳ уларни асло мағфират қилмас» (Тавба: 80).**

Иймоннинг бошқа нарсаларда бўлмайдиган тотти ва нашъаси бор. Иймон ҳаловати эса рози ва сокин нафсининг ички ҳаловати бўлиб, сувлар дарахтлар танасида, қонлар эса томирларда юрганидек, юради. Натижада, унда безовталиқ, сиқилиш ва бошқаларни сиқиш эмас,



## Ислом Нури

аксинча, фараҳлик, шафқат, ризолик ва неъмат макон топиб, йўлчиларнинг маёғи, ноумидларнинг умиди, қўрққанларнинг хавфсиз жойи ва курашаётганларнинг мадади бўлади:

□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□

**«Бу Аллоҳ томонидан бўлган фазлу-марҳаматдир. Аллоҳнинг ўзи етарли билгувчидир» (Нисо: 70).**

Бу – тақводорлар учун мужда, маҳрумлар учун умиддир. Аллоҳга бўлган иймон – кўнгил ҳузури ва ишончи, қалблар ҳидояти, орзуларнинг отаси, жасоратнинг оғаси, умиднинг йўлдоши, Умматнинг шони ва халқларнинг руҳидир.

Иймон ҳаловатини тотган одамнинг ҳаёти сермазмун бўлиб, ўз йўлини топиб олади. Ўз йўлини топган одам эса, онгли одим этади. Онгли одим отган одам Аллоҳ ризосига эришиб, мақсадига етади. Ҳа, у йўлида давом этар экан, қаршисига чиққан ғовларга эътибор бермайди. Чунки, фикри ва онгги олий ва боқий нарсага боғланган бўлади:

□□□□□□ □□□□□□□□ ● □□□□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □

**«Эй хотиржам-сокин жон, Сен (Аллоҳ ато этган неъматлардан) рози бўлган (ва Аллоҳ таоло томонидан сенинг амалларингдан) рози бўлинган ҳолда Парвардигоринг (ҳузури)га қайт!» (Фажр: 27, 28).**

**Бешинчи нуқта:**



## Ислом Нури

Соғлом эътиқод эгаларининг хотиржамликни бўш ўтириш, зиллат, хўрлик ва ялқовликда излашларидан Аллоҳ сақласин! Ҳолбуки, улардаги ҳаётнинг барча йўналиши ва йўллари ҳаракат, имтиҳон, эзгулик, адолат ва одил мусобақалар учун марду майдон, кураш, қийналган пайтда интилиш, таваккул, бардошдан иборатдир. Ҳаёт шароитлари ва синовлари уни безовта қилмайди, сабрини тугата олмайди: **«Мўъминнинг ишига ҳайронман, унинг барча иши яхшиликдир: Бошига қувончли ҳолат келса шукр қилади ва бу, унинг учун яхшидир. Бошига мусибат келса сабр қилади ва бу, унинг учун яхшидир. Бу, фақатгина, мўъмин учундир!»** (Имом Муслим 64).

Мўъмин мустаҳкам иймон билангина хатар, кўрқоқлик, фарёд ва қўполликдан қутилади:

□□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□ □□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □

**«Айтнинг: «Бизга фақат Аллоҳ биз учун ёзиб қўйган нарсагина етур. У бизнинг ҳожамиздир. Бас, иймонли кишилар фақат Аллоҳгагина суянсинлар!»»** (Тавба: 51).

«Аллоҳ берганини қайтаргувчи, тўсганини бергувчи йўқдир. Унинг даргоҳида обрўдорга обрўси фойда бермас!». Бу асос ва ғоялар йўлида олиб борилаётган кураш саҳнасида, ҳаловат ва розилик бор: Мўъминга бирон нарса ато этилса қабул қилиб, шукур қилади. Агар берилмаса рози бўлиб, сабр қилади. Фармон келса, итоат этади. Таъқиқ келса, воз кечади. Гуноҳ қилса, мағфират сўрайди.

Ушбу иймон ва ҳаловат билан мўъмин банда истаклар занжиридан,



## Ислом Нури

ёмонликка чорловчи нафсу аммора ҳаяжонлари, шайтонлар васвасаси, дунёнинг хотин-қизлар, молу дунёлар, маркаблар, турфа лаззат ва зийнат фитналаридан озод бўлади. Қаноат билан лиммо-лим саодат ва ҳаловат билан қурумсоқлик, бахиллик ва қизғанчиқликдан йироқлашиб, тантилик, саховат ва фидойилик ғоялари сари юксалади. Чунки, иймон ҳаловатида ҳаддан ошган модда қуруклигини намлаш, очкўзлик хуружини тизгинлаш, эзгулик ва шафқат ниҳолларини ўтқазиш бордир. Шу боис қалбларга хотиржамлик ўрнашиб, уларни шафқат қоплайди:

«Ана ўшаларга Парвардигорлари томонидан саловот (мағфират) ва раҳмат бордур. Ана ўшалар ҳақ йўлни топгувчилардир» (Бақара: 157);

«Эркакми ё аёлми — кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирон яхши амал қилса, бас, Биз унга покиза ҳаёт ато этурмиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган амалларидан чиройлироқ ажр-савоблар билан мукофотлаймиз» (Наҳл: 97).

**Олтинчи нуқта:**

Чин иймон ҳайратомуз ишларни қилади. Қалбга ўрнашиши биланоқ унинг осорлари муомала ва хулқ-атворда кўринади. Ислом ҳаракатли



## Ислом Нури

эътиқод бўлиб, салбийликка тоқат қилмайди. У, туйғулар оламига тушгач ўз ифодасини кўрсатиш учун хорижга интилиб, воқеъда амал ва ҳаракат ўлароқ шаклланади. Мусулмонларнинг биринчи авлоди, жоҳилият жозибалари, дунёнинг мафтункорлиги ва таъсирчанлигига эътибор бермай юксалган залворли чўққилар эди. Мусулмон авлодлар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам татбиқ қилган намунавий тарбия, шахсдан шахсга, жамиятдан жамиятга ўзгармаган, аксинча, ҳаётда башарият тажрибалар ўтказгани сайин устиворлигини кучайтирган ўзгармас қиймат бўлиб қолган фазилатли ахлоқлардан сипқоришди. Ҳолбуки, булар, шахс ва жамият манфаати ҳамда барча соҳалардаги эзгу амал ва фазилатларни ўз ичига олган мукаммал хулқлар эди.

### Еттинчи нуқта:

Соғлом эътиқоднинг хулқ атворда покдомонлик, фаҳш ва ифлос нарсалардан поклик каби ўзига хос осорлари намоён бўлади. Шайхулислом Ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ бу мақомда шундай дейди: «Юсуф алайҳис солату вассалом Аллоҳга муҳаббат қўйган ва динни Унга холис қилгани боис имтиҳон қилинмади. Ҳатто Аллоҳ таоло:

﴿يوسف قال يا قوم اني ابراهيم بن نوح وانا مسلم حنيف ما اتبعكم الا لاجل اني اراكم في سبيل الله فاني اراكم في سبيل الله فاني اراكم في سبيل الله﴾

**«Ундан (Юсуфдан) ёмонлик ва бузукликни четлатиш учун мана шундай қилдик (яъни уни Ўз ҳифзу ҳимоятимизда асрадик). Зеро, у покиза бандаларимиздандир»- деди» (Юсуф: 24).** Азизнинг рафиқаси ва қавми эса мушрик бўлганлари учун, ишққа мубтало бўлишган эди. Ишққа эса тавҳиди ва иймони қусурли бўлган одамгина мубтало бўлади. Аллоҳга қайтган қалбни, Аллоҳ ишқдан буриб



## Ислом Нури

туради».

Шайх Ибн Саъдий раҳимаҳуллоҳ айтди: «Қалбига иймон кирган ва барча ишларида Аллоҳга ихлосли бўлган одамни Аллоҳ таоло иймонининг хужжати ва ихлосининг чинлиги туфайли турли ёмонликлар, ҳаёсизликлар ва гуноҳкорлик омилларидан ҳимоя қилади. Бу – унинг иймони ва ихлосининг мукофотидир. Аллоҳ таоло айтди:

«وَالَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَهُمْ أَجْرٌ غَيْرُ الْمَمْنُونِ  
الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَهُمْ أَجْرٌ غَيْرُ الْمَمْنُونِ  
الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَهُمْ أَجْرٌ غَيْرُ الْمَمْنُونِ  
الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَهُمْ أَجْرٌ غَيْرُ الْمَمْنُونِ»

**«Ҳақиқатан, (Зулайҳо) унга (яъни, Юсуфнинг висолига) интилди. Агар Парвардигорининг очиқ хужжат-аломатини кўрмаганида, (Юсуф) ҳам унга(Зулайҳога) мойил бўлар эди. Ундан (Юсуфдан) ёмонлик ва бузуқликни четлатиш учун мана шундай қилдик (яъни уни Ўз ҳифзу ҳимоятимизда асрадик). Зеро, у покиза бандаларимиздандир» (Юсуф: 24)».**

Жасорат ва журъат, ушбу эътиқоднинг хулқ атворда мавжуд бўлган осорларидан биридир. Банданинг қалбида тавҳид кучайиб боргани сайин, қалбнинг жасорати ва журъати ортиб боради. Аллоҳнинг икки халили – Муҳаммад ва Иброҳим алайҳимассолату вассаломлар одамлар ичида энг кучли муваҳҳид бўлганлари учун ҳам, ўта жасоартли ва журъатли эдилар. Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу айтди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларнинг энг тантиси, энг жўмарди ва энг жасоратлиси эдилар. Мадиналиклар кечаларнинг бирида (келган товушдан) қўрқиб кетдилар. Одамлар товуш келган томон юра бошладилар. Уларни товуш томондан қайтиб





## Ислом Нури

келаётган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тинчлангирдилар ва:«**Қўрқманглар! Қўрқманглар!**»- дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Талҳанинг отига миниб, бўйинларига шамширларини осиб, одамлардан илгари товуш келган томон кетган эдилар.

Иброҳим алайҳиссаломнинг жасоратли эканига Намрудга қарши туриб, қавмининг бутларини парчалаганини билишнинг ўзи кифоядир. У қавмига:

«يَا قَوْمِ إِنَّمَا فُتِنْتُمْ بِطُغْيَانِ بَنِي آدَمَ فَاتَّبِعُونِي وَأَطِيعُوا أَمْرَ اللَّهِ وَلَا تَتَّبِعُوا أَمْرَ السَّافِرِينَ بَلَىٰ لَهُمْ فِي السِّفَاتِ الْأَعْتَابِ لَئِن قَالُوا خَطْبَاءُ عَاثِمِينَ وَإِن يَرَوْا كِسْفًا مِّنَ النُّجُومِ فَهُمْ بِالْآيَاتِ الْكُبْرَىٰ مُتَوَلَّوْنَ»

**«Сизларга ҳам, Аллоҳни қўйиб сиғинаётган бутларингизга ҳам суф-е! Ахир ақл юргизмайсизларми?!»** (Анбиё: 67), мунозара қилган мушрикларга эса:

«يَا قَوْمِ إِنَّمَا فُتِنْتُمْ بِطُغْيَانِ بَنِي آدَمَ فَاتَّبِعُونِي وَأَطِيعُوا أَمْرَ اللَّهِ وَلَا تَتَّبِعُوا أَمْرَ السَّافِرِينَ بَلَىٰ لَهُمْ فِي السِّفَاتِ الْأَعْتَابِ لَئِن قَالُوا خَطْبَاءُ عَاثِمِينَ وَإِن يَرَوْا كِسْفًا مِّنَ النُّجُومِ فَهُمْ بِالْآيَاتِ الْكُبْرَىٰ مُتَوَلَّوْنَ»

**«Сизлар (Аллоҳ) бирон ҳужжат туширмаган бутларни Аллоҳга ширк қилишдан қўрқмайсиз-у, мен сизлар Аллоҳга шерик қилиб олган бутларингиздан қандай қўрқай?! Агар билсангиз (айтинг-чи), қайси гуруҳ(қўрқмай) хотиржам бўлишга ҳақлироқ?»** (Анъом: 81) деган эди.

Бунинг муқобилида, ширк – қурқув ва хавф омилидир. Аллоҳ таоло айтди:



## Ислом Нури

«(Тангри эканлигига) ҳеч қандай ҳужжат-далил келмаган нарсани (яъни жонсиз бутларни) Аллоҳга шерик қилганлари сабабли кофирларнинг дилларига қўрқув солажакмиз. Уларнинг борар жойлари жаҳаннамдир, зулм қилгувчиларнинг жойлари нақадар ёмон жой!» (Оли Имрон: 151).

Шайхулислом Ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ шундай дейди: «Шунинг учун ҳам, мушрик махлуқлардан қўрқиб, улардан умидвор бўлади ва бунинг натижасида унда қўрқув ҳосил бўлади. Ширкка алоқаси бўлмаган одам эса, Аллоҳ таоло айтганидек, омонликда бўлади:

«(Тангри эканлигига) ҳеч қандай ҳужжат-далил келмаган нарсани (яъни жонсиз бутларни) Аллоҳга шерик қилганлари сабабли кофирларнинг дилларига қўрқув солажакмиз. Уларнинг борар жойлари жаҳаннамдир, зулм қилгувчиларнинг жойлари нақадар ёмон жой!» (Оли Имрон: 151)».

Яҳё ибн Муоз Розий раҳимаҳуллоҳ: «Аллоҳдан қўрқишингга қараб, одамлар сендан қўрқадилар» деган бўлса, Юсуф ибн Асбот раҳимаҳуллоҳ: «Аллоҳдан қўрққан бандадан барча нарса қўрқади»- деган.

Эътиқоднинг хулқ атвордаги осорларидан яна бири, одамлардан беҳожатликдир. Шу боис Аллоҳ таолога тўла боғланиб самимий



## Ислом Нури

ёлборган банданинг қалби, Аллоҳдан бошқасига ҳеч йўналмайди. У, одамлардан бутунлай беҳожат бўлади. Шайхулислом Ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ айтди: «Банда Аллоҳ таолога қанчалар ҳокисор бўлиб, қанчалар ёлборса ва итоатли бўлса, Аллоҳга шунчалар азиз, шунчалар яқин ва шунчалар қадрли бўлади. Бандаларнинг энг бахтиёри, Аллоҳ таолога кўп ибодат қилганидир. Ҳикматли сўзларда айтилганидек: Хоҳлаган зотингизга муҳтож бўлинг, унинг асирига, хоҳлаган зотингиздан беҳожат бўлинг, унинг тенгдошига, хоҳлаган одамингизга яхшилик қилинг, унинг амирига айланасиз! Банда бирон жиҳатдан махлуқларга муҳтож бўлмасагина, энг қадрли ва ҳурматли бўлади. Уларга муҳтож бўлмай яхшилик қилсангиз, уларнинг тасавурида энг буюк одам бўласиз. Бир томчи сув учун уларга муҳтож бўлсангиз, ўша эҳтиёжингизча улардаги қадрингиз йўқолади. Бу – дин Аллоҳники бўлиши ва унга ширк келтирилмаслиги учун Аллоҳнинг ҳикмати ва раҳматидандир».

### **Саккизинчи нуқта:**

Эътиқод фақатгина (Аллоҳ таолонинг) исм ва сифатлар(ини ўрганиш)дангина иборат эмас, аксинча, бундан кўра кенг қамровлидир. Бу билан Аллоҳнинг исм ва сифатларига эътиборсиз бўлиш керак, демоқчи эмасмиз. Балки, мақсадимиз, айрим одамларнинг эътиқод деганда фақатгина Аллоҳнинг исм ва сифатларинигина тушунишлари, холос. Зеро, дўстлик ва душманлик ҳам эътиқоддир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни, суннатларни, аҳли суннатни суюш ҳам эътиқод, демакдир. Аҳли суннатнинг бир-бирларини умумий суратда дўст тутишлари, адашиш ва адаштириш билан айблашга шошилмасликлари лозим. Шайхулислом Ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ айтди: «Аллоҳ ва Русули соллаллоҳу алайҳи ва саллам муқаддам қўйган нарсаларни муқаддам



## Ислом Нури

қўйиш, Аллоҳ ва Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам суйган нарсаларни суюш ва ёқтирмаган нарсаларни ёқтирмаслик, Аллоҳ ва Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам таъқиқлаган нарсаларни таъқиқлаш, Аллоҳ ва Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам рози бўлган нарсалардан рози бўлиш ва мусулмонлар бир ёқадан бош чиқаришлари зарур. Айрим одамлар бошқаларни «адашган»га ёки «кофир»га чиқаришса, гоҳида бу ҳқум тўғри ҳамда Қуръону суннатга мувофиқ бўлиши, гоҳида эса биродари диний ишларнинг биронтасида хато қилган бўлиши ҳам мумкин. Бироқ, диний ишларда хато қилган ҳар бир одам ҳам кофир ва фосиқ бўлавермайди. Аксинча, Аллоҳ таоло бу Умматнинг қилган хатоси ёки унутиб қилган ишларини кечирган» («Мажмуъу фатаава Ибн Таймийя» 3/420).

Аллоҳнинг исм ва сифатлари ҳақидаги салаф солиҳ эътиқодида бўлган шахс, аҳли суннатга мансуб шахсларни ёмон кўриши ва қоралаши мумкин эмас. Чунки, бу эътиқод эгасининг аҳли суннат ҳақидаги фикри соғлом бўлиши лозим. Тўғриси, Аллоҳнинг исм ва сифатлари ҳақидаги эътиқодни ҳаётга тўғри татбиқ қилаётган бўлсада, унинг аҳли суннатни ёмон кўриши, бошқа тарафдан эътиқодга зарба беради.

Мункар ва гуноҳ нарсалардан нафрат этиш ва улардан қайтариш эътиқоддан ва банда эътиқодининг соғломлигининг кўринишларидандир. Олим ёки даъватчи ёхуд маърузачи у ёқда турсин, ҳатто илм талабасининг ҳам дарс асносида ёки ёзилган мактубда ўз олди, орқаси, ўнги ва сўлидаги мункар ишни қайтариши шартдир. Агар қайтармаса бу, Аллоҳ сақласин, унинг иймонидаги нуқсон аломатидир. Чунки мункар нарсаларни инкор этмаслик, иймондаги нуқсондир. Иймон эса, барчамизнинг қарори-иттифоқиға кўра, эътиқоддир.



## Ислом Нури

Шайхулислом Ибн Таймийя раҳимахуллоҳ айтди: «Кимнинг қалбида Аллоҳ ва Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёмон кўрган ва ҳаром қилган куфр, фиқҳ ва осийликка бўлган нафрат бўлмас экан, унинг қалбида Аллоҳ фарз қилган иймон йўқдир. Ҳаром қилинган нарсалардан нафратланмаган одамда, иймон умуман йўқдир».

Аллоҳ йўлида суюш ҳам эътиқоддандир. Бунга жаҳоннинг ҳар бурчагидаги мусулмонлар аҳволидан, гарчи уларнинг хато ва камчиликлари бўлса ҳам, аламини ҳис этиш ҳам киради. Ўзларини салаф эътиқодида эканликларини иддао қилаётган айрим мусулмонлар, афсуски, у ер ва бу ерда мусулмонлар бошига келаётган мусбатлардан кўнгиллари оғримайди. Бу эътиқодда бўлганлар кофирлар Ер юзидаги қайсидир бир ўлкада мусулмонлар тупроғини ишғол қилса эътибор бермайдилар ва эътироз билдирмайдилар. Ҳатто, айримлари бундан севинадилар ва: “Уларнинг эътиқодларида бузуқлик бор!” ёки “Улар ашъарий эътиқодадирлар!” ёхуд “Улар тасаввуф оқимидадирлар!”, дейдилар. Дўстим, иккинчи тараф кофир – яҳудий, насроний ва коммунист эканини унутдингизми?! Ахир сиз уларни севинтираяпсиз-ку?! Нега камчилик ва хатолари бўлган мусулмонлар ва Ашъарий эътиқодидаги мусулмонлар учун ачинмайсиз?! Ахир эътиқодимизга кўра, хатолари бўлсада ўша мусулмонларни кофирлардан афзал кўришимиз керак-ку?! Аллоҳ қалбини мунаввар қилган одам учун бу масъала жуда ҳам очикдир. Шайхулислом Ибн Таймийя раҳимахуллоҳ айтди: «Мўъминни қайси синфдан бўлса ҳам дўст ҳисоблаш, кофирни қайси синфдан бўлса ҳам душман ҳисоблаш, фарздир. Иймони ҳам, фосиқлиги ҳам бўлган одамнинг иймонига қараб дўстлик, фосиқлигига қараб душманлик кўрсатилади» («Мажмуъу фатаава Ибн Таймийя» 28/227 – 229).

Шайхулислом Ибн Таймийя раҳимахуллоҳнинг шариат мақсадларини



## Ислом Нури

тушуниш ҳақида айтилган қўидаги фикрадаги гапларига диққат билан қулоқ беринг! У, эътиқоднинг айрим одамларга номаълум бўлган жиҳатларини очиб бермоқда: «Яхшилик ва ёмонликнинг даражалари бордир. Агар кўп имкони бўлмаса яхшиликнинг озроғи билан кифояланилади ва озгина ёмонликни қилиш билан кўпроқ ёмонликни бартараф этилади. Ҳолбуки, талайгина рофиза, жаҳмий ва бошқа оқимларга мансуб бидъатчилар кофирлар ҳукм сураётган ўлкаларга кетдилар ва уларнинг қўлида кўплаб одамлар Ислом динини қабул қилиб, манфаат кўришди ва бидъатчи мусулмон бўлишди. Бу, уларнинг кофир бўлишларидан кўра яхшироқдир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам имконлари етгани қадар одамларни Ислом динига даъват қилдилар ва ҳар бир одамни ўзи турган муҳитдан кўра яхшироқ муҳитга олиб ўтдилар. Ҳар бир шахснинг қилган ишига кўра ўз мақоми бор. Ҳолбуки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам манфаатларни вужудга келтириш, мукаммаллаштириш ва фасод ишларни йўқотиш ёки камайтириш учун юборилганлар» («Мажмуъу фатаава Ибн Таймийя» 13/96).

Мусулмонлар ижмоси билан жаҳмийлар кофирдирлар. Шундай бўлишига қарамай шайхулислом Ибн Таймийя раҳимахуллоҳ бир инсоннинг куфрдан чиқиб рофизалик ёки жаҳмийликка киришини куфрда қолишдан кўра афзал эканини таъкидламоқда. Бас, баъзи пайтларда кўпига имкон топа олмасакда оз яхшиликка рози бўламиз ва имкони қадар енгилроқ ёмонликни қилиш билан каттароқ ёмонликни даф қиламиз. Ҳолбуки, шариат манфаатларни юзага чиқариш, такомиллаштириш ва фасод ишларни йўқ қилиш ва камайтириш учун келган.

Биз қаерда–ю, бу тушунчалар қаерда! Эътиқод эгаси эканини иддао қилаётган одам бу сўзларни ўқисин! Бу – Ислом умматининг энг яхши



## Ислом Нури

авлоди бўлган саҳобалар ва тобиинлар – салаф солиҳ эътиқоди бўлиб, шайхулислом Ибн Таймийя раҳимахуллоҳ ҳам ўша эътиқоддир. Бу умматнинг охири, биринчилари тuzалган нарса билан ислоҳ бўлади!

Менимча, сиз энди, фақатгина, фитна пайдо бўлган пайтлардагина гапирадиган, на дарс ва на маъруза ва на китоблардан билинмаган, мусулмонлар бошига бирон мусибат ёки фалокат тушсагина оғизларининг таноби қочиб, ақида ҳақида адаштирувчи, бидъатчи ва: “Фалончи ёки пистончининг эътиқоди хато!”,- дея шайхулисломдек ёки илмий ёхуд эътиқодий ишларда мурожаат қилинадиган одамдек жар солувчи номаълум исм ва шахслардан ақийдани олинмаслигини билган бўлсангиз керак. Улар бу фитна ва фалокатлар пайдо бўлишидан илгари қаерда эдилар? Улар у ёки бу гапларидан илгари эътиқод ҳақидаги бирон матн китобини қўлга олиб дарс ва шарҳ қилганми?!

Аҳли суннат орасида бирон илмий ва амалий мавзуда фарқли кўришлар юзага келса, ўрталарида дўстлик алоқаларининг узилмаслиги, эътиқоднинг бир парчасидир. Агар ихтилоф тарқоқлик, фалончи ва пистончини айблаш ва қоралашга олиб борса, эътиқодга путур етказди. Шайхулислом Ибн Таймийя раҳимахуллоҳ бу ҳақда шундай дейди: «Саҳобалар, тобиинлар ва улардан кейинги авлодлар ичидаги олимлар бирон ишда фарқли кўришларга боришса Аллоҳ таолонинг қуйидаги фармониغا итоат этишар эди:

«...»

**«Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз,— агар**



## Ислom Нури

**ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз — у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир»**(Нисо: 59). Улар, ўрталаридаги дўстлик, шаффофлик ва диндош биродарлик туйғуларига риоя қилиб, илмий ва амалий мавзуларда баҳс юритар эдилар» («Мажмуъу фатаава Ибн Таймийя» 1/172).

### **Тўққизинчи нуқта:**

Соғлом этиқоддан оғиш ҳалокат ва йўқолиш, демакдир. Чунки соғлом эътиқод, манфаатли ишларга ундовчидир. Соғлом эътиқоди бўлмаган шахс, кўпинча, уюладиган ва бахтиёр ҳаёт йўллари кўриш учун лозим бўлган тўғри фикрдан тўсиб, ҳаётида танглик пайдо қиладиган ҳаёл ва ваҳималар қурбонига айланади. Соғлом эътиқод ҳукмрон бўлмаган жамият эса ҳайвонлар жамияти бўлиб, бахтли ҳаётнинг барча пойдеворларини йўқотади. Агар у, ҳаётнинг моддий пойдеворларига эга бўлса, кўпинча, ғарбий жоҳилий жамиятларда намоён бўлганидек, вайронагарчиликка олиб боради. Чунки мазкур моддий пойдеворлар йўлланмага, хусусият ва манфаатларидан фойдаланишга муҳтож бўлади. Бунинг эса соғлом эътиқоддан бошқа йўлловчиси йўқдир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿مَنْ يَتَّقِ اللَّهَ يَجْعَلْ لِكُلِّ مَخْرَجٍ مَخْرَجًا وَمَنْ يَتَّقِ اللَّهَ يَجْعَلْ لَهُ مَخْرَجًا يُخْرِجْهُ مِنْ حَيْثُ يَشَاءُ إِنَّ تِلْكَ آيَاتِ اللَّهِ لِيُذَكِّرَ الَّذِينَ لَمْ يَتَّقُوا﴾

«(Юборган барча пайғамбарларимизга шундай дедик); **«Эй пайғамбарлар, ҳалол-пок таомлардан енглар ва яхши амаллар қилинглар! Албатта Мен қилаётган амалларингизни билгувчидирман»** (Мўъминун: 51);





## Ислом Нури

1. Бизнинг аниқки биз довудга (улуғ) бир фазл-мартаба ато этдик «Эй тоғлар ва қушлар (Довуд) билан бирга тасбеҳ айтинглар!» Ва унинг учун темирни (хамирдек) юмшоқ қилиб қўйдик. (Ва унга дедик): «Совутлар ясагин ва (уларни) тўқишда аниқ-пухта иш қилгин! (Эй Довуд хонадони), яхши амал қилинглари! Зеро Мен қилаётган амалларингизни кўриб тургувчидирман».

2. Сулаймонга эрталаб бир ойлик, кечки пайт бир ойлик (масофани босиб ўтадиган) шамолни (бўйсундирдик) ва унинг учун мис булоғини оқизиб қўйдик. Яна жинлардан ҳам Парвардигорининг изни-иродаси билан унинг қўл остида ишлайдиган кимсаларни (бўйсундириб қўйгандирмиз). Улардан ким Бизнинг амримиздан тойилса, Биз унга ўт-олов азобидан тотдириб қўюрмиз. Улар (Сулаймонга мисдан) у хоҳлаган нарсаларни — ибодатхоналарни, ҳайкалларни, ҳовузлар каби (катта)лаганларни ва (ўчоқларга) ўрнашган (вазмин) қозонларни қилиб берурлар. «(Эй) Довуд хонадони, (Аллоҳ сизларга ато этган бу неъматларнинг

**«Аниқки Биз Довудга (улуғ) бир фазл-мартаба ато этдик «Эй тоғлар ва қушлар (Довуд) билан бирга тасбеҳ айтинглар!» Ва унинг учун темирни (хамирдек) юмшоқ қилиб қўйдик. (Ва унга дедик): «Совутлар ясагин ва (уларни) тўқишда аниқ-пухта иш қилгин! (Эй Довуд хонадони), яхши амал қилинглари! Зеро Мен қилаётган амалларингизни кўриб тургувчидирман».**

**Сулаймонга эрталаб бир ойлик, кечки пайт бир ойлик (масофани босиб ўтадиган) шамолни (бўйсундирдик) ва унинг учун мис булоғини оқизиб қўйдик. Яна жинлардан ҳам**

**Парвардигорининг изни-иродаси билан унинг қўл остида ишлайдиган кимсаларни (бўйсундириб қўйгандирмиз). Улардан ким Бизнинг амримиздан тойилса, Биз унга ўт-олов азобидан тотдириб қўюрмиз. Улар (Сулаймонга мисдан) у хоҳлаган нарсаларни — ибодатхоналарни, ҳайкалларни, ҳовузлар каби (катта)лаганларни**

**ва (ўчоқларга) ўрнашган (вазмин) қозонларни қилиб берурлар.**

**«(Эй) Довуд хонадони, (Аллоҳ сизларга ато этган бу неъматларнинг**



## Ислом Нури

шукронаси) **учун амал-ибодат қилинглари! Бандаларим орасида шукр қилгувчи (зотлар жуда)оздир»»** (Сабаъ: 10 – 13).

Эътиқоднинг кучи модданинг қувватидан ажралмаслиги керак. Агар ундан ботил эътиқодлар сари оғиб ажралса, моддий қудратга эга бўлсада, соғлом эътиқодга эга бўлмаган кофир давлатларда бўлаётганидек, вайронагарчилик ва емирилиш воситасига айланади.

### Ўнинчи нуқта:

Ер юзида бузғунчилик қилишни севадиган одамнинг тавҳид калимасини эшитиши жуда ҳам оғирдир:

□□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□  
□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□ □

**«Қачон ёлғиз Аллоҳ зикр қилинса, охиратга иймон келтирмайдиган кимсаларнинг диллари сиқилиб кетар»** (Зумар: 45).

Фиръавн ҳам Мусо алайҳиссалом олиб келган тавҳиддан кўрққан ва:

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□ □□□□□□ □□□□□□ □

**«Дарҳақиқат мен (Мусо) сизларнинг динингизни ўзгартириб юборишидан»** деган эди (Ғофир: 26). Мазкур оятдаги «дин» сўзидан мақсад «ҳукм»дир. Фиръавн гўё ўз гапи билан: Тавҳиднин олиб келган ушбу пайғамбар хатарли одамдир. Чунки у, сизнинг ҳаётдаги қироллигингиз, раҳбарлигингиз ва турмуш тарзингизни йўқ қилмоқчи!,- демоқчи. Золим раҳбарлар Ислом динининг исломий меъморчилик ва бинокорлик ҳақидаги илмий ва маданий ҳаракат



## Ислом Нури

бўлишига қаршилиқ қилишмайди. Унинг тиббиёт, ҳандаса, фалакиёт ҳақида қадимги мусулмон олимлар қолдирган мерос ҳақида тушунтиришлар олиб боришига ҳам тўсиқ қўйишмайди. Фақатгина, ушбу эътиқод, ўз вазифаси бўлганидек, одамлар ҳаётини янгитдан ўзгартирадиган бўлса, рўпарасида тўсиқни кўради. Шахс, жамият ва давлатлар ҳаётидаги барча нарсага аралаша бошлар экан, эътиқоднинг ёйилишига қарши таъқиқлар қўйилади.

### **Ўн биринчи нуқта:**

Ғайбга бўлган ишонч, мўъмин қалблар ажралиб турадиган исломий эътиқод хусусиятларидан биридир. Ғайбга ишониш ҳақида толмас даъватчи Сайид Қутб раҳимахуллоҳ шундай дейди: «Бу – босиб ўтиладиган ғов бўлиб, одамзот ўз ҳиссиётлари идрок эта оладиган нарсаларнигина идрок этадиган ҳайвон мартабасидан, Коинотнинг ҳиссиётлар идрок эта оладиган кичик ҳажмдан кўра каттароқ ва умумийроқ эканини идрок этадиган инсон мартабасига кўтарилади».

Биз ўрнак олиб, издош бўлишимиз учун юлдуз янглиғ саҳоба разияллоҳу анҳумлар ҳаётига ғайбга иймон келтириш қандай катта таъсир кўрсатгани, намунавий тарзда қандай буюк ҳаракатларни юзага келтиргани, шахсий, оилавий ва ижтимоий ҳаётларини зулматли тарафдан ҳаётнинг барча тарафларини бағрикенглик ва риоягарчиликда «Ғаффор» ахлоқи билан, диндаги жиддийликлари ва дин учун аччиқланишларида «Қаҳҳор» ахлоқи билан, поклик, покдомонлик ва кўнгил самимийлигида «Қуддус» ахлоқи билан ёритган порлоқ томонга қандай айлантирганини, натижада, уларнинг кўнгилларида жанжал, ғийбат, чақимчилик, бухтон, ёлғон, алдов, фирибгарлик ва макру ҳийла иллатлари қолмаганини кўрдик. Уларнинг тарихий жонли ва нодир шахсиятлари ва истеъдодларини



## Ислом Нури

вужудга келтиришдаги фазилат келиб чиққан амал нима? Шубҳасиз, бу амал саҳобаларнинг ғайбга бўлган чуқур иймонлари, унга қатъий риоя этишлари, ҳиссиётлар оламидан юқоридаги нарсаларга мустаҳкам ишонишларидир. Дарҳақиқат, майдони чекланган Ер сайёрасида туриб ғайбга иймон келтириш, уларни зулм, қувғин, террор ва шафқатсизликдан сақлади. Шу боис уларнинг ҳидоятларига издош бўлган мусулмонлар ҳам, асрлар давомида инсон ва башариятга қарши бирон ҳаракатни қилишга журъат этишмади. Чунки улар қилишмоқчи бўлган ҳар ишларидан илгари, унинг ўзларига фойда бериши ёки динлари ва инсониятга зарар бериши ҳамда самовий дастурга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги ҳақида чуқур ўйланишар эди. Дарҳақиқат, ғайбга ишониш тақвонинг манбаи ва шахсий тарбия омилларининг энг муҳимларидан биридир. Чунки у, одамларнинг тасаввурлари, шуурлари ва хулқ атворларини раббоний қилиб қўяди.

### **Ўн иккинчи нуқта:**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тавҳид тарафи камситилганига ғазабланганларидек бошқа нарсага қаттиқ ғазаб қилмаганлар. Ҳолбуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам зино қилиш ҳақида рухсат сўраб келган одамга ғазаб ва аччиқ қилмаган, аксинча, уни ислоҳ қилиш учун ҳаракат қилган эдилар. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилади: Ансорлардан бир йигит келиб: Ё Расулуллоҳ, менга зино қилишга рухсат беринг?,- деб сўради. Саҳобалар унинг олдига келиб дашном бериб: Ундай дема!,- дейишди. Буни кўрган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «**Яқинлаш!**»- дедилар. Йигит Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга яқинлашиб, ўтирди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «**Онангга (зино қилишини)ёқтирасанми?**»- деб сўрадилар. Йигит: Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, Аллоҳ мени



## Ислом Нури

сизга фидо қилсин ё Расулуллоҳ, йўқ!,- деб жавоб берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Одамлар ҳам оналарига (зино қилинишини) ёқтирмайдилар. Қизингга (зино қилинишини) ёқтирасанми?»**- дедилар. Йигит: Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, Аллоҳ мени сизга фидо қилсин, йўқ!,- деб жавоб берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Одамлар ҳам қизларига (зино қилинишини) ёқтирмайдилар. Синглингга (зино қилинишини) ёқтирасанми?»**- дедилар. Йигит: Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, Аллоҳ мени сизга фидо қилсин, йўқ!,- деб жавоб берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Одамлар ҳам опа-сингилларига (зино қилинишини) ёқтирмайдилар. Аммангга (зино қилишини) ёқтирасанми?»**- деб сўрадилар. Йигит: Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, Аллоҳ мени сизга фидо қилсин ё Расулуллоҳ, йўқ!,- деб жавоб берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Одамлар ҳам аммаларига (зино қилинишини) ёқтирмайдилар. Холангга (зино қилинишини) ёқтирасанми?»**- дедилар. Йигит: Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, Аллоҳ мени сизга фидо қилсин ё Расулуллоҳ, йўқ!,- деб жавоб берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Одамлар ҳам холаларига (зино қилинишини) ёқтирмайдилар»**- дедилар ва йигитга қараб, қўлларини унинг кўксига қўйиб: **«Аллоҳим, унинг гуноҳини мағфират қил, қалбини покла ва таносил аъзосини (гуноҳлардан) асра!»**- де(б дуо қил)дилар. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дуоסי ва баракаси боис мазкур йигит ҳеч қачон ҳаром нарсага боқмади ва тузалиб, кўнгли оқ бўлди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам нафси зинога интилган йигитга аччиқланмай ва кўполлик қилмай, ҳатто, дашном бермай тарбия бердилар. Ҳолбуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва



## Ислом Нури

салламнинг қанчалар кичик бўлмасин, тавҳид тарафини яралайдиган ҳар қандай иш учун қаттиқ ғазабланаётганлари ва рад этаётганларини кўрамиз. Имрон ибн Ҳусойн разияллоҳу анху ривоят қилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир одамнинг кўлидаги мис халқани кўриб: **«Бу нима?»**– деб сўрадилар. У: Елкадан кўл томон тушган томирларни ҳолсизланишдан сақлаши учун (тақиб олдим),– деб жавоб берди. – Яъни у одам мазкур халқани томир ёки мускулларини заифлатадиган касалликдан ҳимоя қилади, деган нийятда эди – Унинг гапини эшитган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Уни чиқар! У сенда ҳолсизликни кучайтиради, холос! Агар бу кўлингга тақилган ҳолатда ўлсанг, ҳеч қачон (жаҳаннамдан) қутила олмайсан!»**– дедилар (Имом Аҳмад 20242. Саҳиҳ ҳадис).

Абу Воқид Лайсий (разияллоҳу анху) айтди: Янги мусулмон бўлган кунларимизда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга Ҳунаинга чиқдик. Мушрикларнинг катта сидр дарахти бўлиб, унинг олдида туришар ва табаррукланиш учун қурлоллари унга осиб қўйишар эди. Уни «Зоту анвот» деб аталар эди. Биз катта дарахтни кўриб: Ё Расулуллоҳ, бизга ҳам уларникидек Зоту анвот қилиб беринг?,– дедик. Яъни, бизга ҳам мушриклар табаррукланишган ва қуролларини осибган дарахтдек дарахт қилиб беринг!, дедик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам нима деб жавоб бердилар? Ғазаб билан такбир айтдилар ва: **«Аллоҳу акбар!! Дарҳақиқат, бу суннатдир! Жоним кўлида бўлган зотга қасамки, сизлар Исроил ўғиллари Мусога: Бизга уларникидек илоҳ қилиб беринг!, деганларидек гап айтдинглар! Сизлар ўзларингиздан аввал яшаб ўтган қавмларга издош бўлаётган жоҳил қавмсизлар!»**– дедилар (Термизий 2180. Аллома Носируддин Албоний раҳимахуллоҳ бу ҳадисни саҳиҳ деди).



## Ислом Нури

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тавҳидга зарар берадиган нарсани эндигина Исломга кирган ва йўл бўсағасида турган мўътадил асҳобларидан эшитгач қандай қаттиқ аччиқланганлари ва тавҳидни ўргатишдаги қаттиқ дашномларига эътибор беринг! Ҳа, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тавҳидни ўргатиш ва ширкдан огоҳлантиришда юқорида тилга олинган ва зино ҳақида рухсат сўраган йигитга қилган огоҳлантиришдан кўра қаттиқроқ дашном бердилар. Ҳолбуки, у йигитга дашном бермай, кўнглини ислоҳ қилган эдилар.

Бу, мазкур икки иш ўртасида қанча фарқ борлиги, тавҳиднинг аҳамияти катта эканини кўрсатмоқда. Чунки, у иймоннинг асоси ва Ислом соғломлигининг шартидир. Бу – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннати ва даъватларидаги услубларидир. Одамларга нима бўлдики, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатидан бошқа йўллардан юрмоқдалар, бошқа йўлларни танлаб, тавҳид ҳақида сукут қилишмоқда. Ҳатто тавҳидга эътибор бермаяптилар ва тавҳид ҳақида гапириш ва ўрганишдан одамларни бездирмоқдалар, ширкдан огоҳлантирадиган одамларни: Одамларни нафратлантиради ва сафларни бузиб ташлаяпти, деган иддао билан тийишга ҳаракат қилмоқдалар. Буларнинг йўли тўғрими ёки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам йўлларими?!

Аллоҳим, қавмимн ҳидоят қил, дарҳақиқат, улар билмаяптилар!

### **Ўн учинчи нуқта:**

Кўпинча қулоқларимизга «ақийда», «ақийданинг кучи» ва «Бизнинг эътиқод билангина ўрнимиз бор, акси тақдирда, йўқ!» деган сўз ва гаплар чалинади. Булар жуда ҳам яхши ва ҳақиқат эканида шубҳа



## Ислом Нури

бўлмаган гаплардир. Эътиқоди бўлмаган ва эътиқодини ҳимоя қилмаган халқ, чуқур чоҳда емирилган халқдир. Бироқ бир савол бор: Эътиқод қандай ҳаракат қилади?

Ақийда инсоннинг онгги, тафаккури ва маданиятига робот шаклида мужассам бўлмайди. Яъни, эътиқодга мужассам бўлиш учун буйруқ берсак, қабул қилмайди. Бундан ташқари, у робот каби эмас, таъсир бўлсагина ҳаракат қилади. Эътиқодни елкаларида кўтараётганлар, ақийда билан бирга амал қилишлари ва уни одамлар орасида ёйишлари керак. Одамлар оғиздан чиқаётган кўп гапларга эмас, сўзлар билан ишлар орасидаги мувозанатга қаттиқ муҳтождирлар.

Ақийдамиз – гўзалдир. Унинг гўзаллиги уни салобат, қувват ва эътиқодларига нисбатан масъулиятни ҳис этган эркакларда очик намоён бўлди. Амалда кўринмай, китобларнинг саҳифаларигина кўтариб юрадиган эътиқод эса, назарий эътиқоддан бошқа нарса эмасдир. Ислом дини амалий татбиқи бўлмаган эътиқодни олиб келмагандир. Аслида, Ислом динининг ўзи назария билан татбиқ орасидаги мувозанатдир. Ғоялар, фазода ҳаракат қилмайди. Агар бирон ғоянгиз бўлса, унинг ҳаракати фазода бўлмаслиги керак. Аксинча, сезиларли воқеъда амалий кўриниши керак. Бироқ, амал қилишига ғовлар бўлса, ақийда қоқоқ бўлиб қолади. Бундай пайтда сабабнинг юзага келишигина шарт эмас, аксинча, ғовни олиб ташлаш сабаби ҳам бўлиши керак. Шу боис, ҳар биримиз эътиқодимиз Ер юзида ҳаракат қилиб, ҳаётнинг барча: катта ва кичик, кучли ва заиф тармоғи ва ҳолатида сезиларли воқеъга айланадиган шартларни тўқис қилиш учун тер тўқишимиз керак.

Баъзи одамлар: Ахир биз эътиқод, рисолат ва иймон эгаси эмасми? Шундай экан, нега бизга Аллоҳнинг нусрати ва Ер юзидаги





## Ислом Нури

ҳукмронлик келмаяпти?,- деб ўйланиб қолишади. Бунинг қисқача жавоби шундан иборатдир: Биз ҳақиқатнинг кучига эгамиз, бироқ куч ҳақиқатига эга эмасмиз. Бизнинг ҳақиқат кучига эга бўлишимиз етарли эмас. Ҳақиқат кучини ҳаётга татбиқ қилиш учун куч ҳақиқатига ҳам эга бўлишимиз керак. Иззат ва ҳукмронлик, Исломга амал қилиш, Аллоҳ йўлида даъват ва кураш учун интилаётган Уммат ёшлари, буни ўзларида кўрсатишлари керак.

### **Ўн тўртинчи нуқта: эътиқодимиз ва ахлоқ.**

Кимдир: Эътиқоднинг ахлоққа қандай алоқаси бор? Одамзотнинг эътиқодсиз гўзал ахлоқи бўлмайдими?,- деб сўраб қолиши мумкин. Тўғри, жоҳилият давридаги арабларда ва мусулмон бўлмаган халқларда ҳам гоҳида олий ахлоқлар бўлиши мумкин. Бунинг сабаби, нафс иймонни эътиқоднинг бир бўлаги эканини унутгач одат ва урф ҳукми билан ахлоқлар заҳирасини узоқ замонларгача ўзида ёки эътиқоддан айри ўзи қолиши керак, дея онгда сақлаб қолиши мумкин.

Агар эътиқод Тўғри йўлдан оғган бўлса, охир-оқибат ахлоқ ҳам оғади. Модомики эътиқоддан ажралган экан, ахлоқ йўқ бўлади. Жоҳилият таъсири билан алданганларнинг: Дунёқарашлар таназзулга учраса ҳам, ахлоқ устивор қолаверади!- деган гаплари, жоҳилият чўпчакларидан биридир. Чунки бу одамлар, ўзлари яшаётган фалокат ҳақиқатини, башарият ҳаёти бу фалокатнинг катталиги, кучаяётгани ва одамларнинг воқеъий ҳаётларига чуқур илдиз отгани туфайли харобага айланиш таҳдиди остида эканлигини билмаяптилар.

Мусулмоннинг ахлоқидаги асосий ғояси, Роббисининг ризосини рўёбга чиқаришдир. Чунки мўъминнинг қилаётган амалларидан биринчи мақсади, Аллоҳни қасд қилишдир. Зеро бунга Аллоҳнинг ўзи



## Ислом Нури

буюрган ва Қиёмат кунда эзгу амаллар учун тўқис мукофотларни ваъда қилган. Аллоҳ таоло айтди:

مَنْ عَمِلَ صَالِحًا مِمَّا كُنَّا نَعْمُرُ بِهِ الْبِلَادَ وَالْأُمَّةَ وَالْمَدِينَةَ وَالْمَنْعَمَةَ وَالْمَدِينَةَ وَالْمَدِينَةَ  
وَالْمَدِينَةَ وَالْمَدِينَةَ وَالْمَدِينَةَ وَالْمَدِينَةَ وَالْمَدِينَةَ وَالْمَدِينَةَ وَالْمَدِينَةَ

**«Бас, ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида) зарра мисқоличалик яхшилик қилса (Қиёмат Кунда) ўшани кўрур. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса уни ҳам кўрур!»** (Залзала: 7, 8).

Шунингдек, муслмон одам қилган солиҳ амаллари билан бу дунёдаги саодатини ҳам рўёбга чиқаради. Аллоҳ таоло айтди:

مَنْ عَمِلَ صَالِحًا مِمَّا كُنَّا نَعْمُرُ بِهِ الْبِلَادَ وَالْأُمَّةَ وَالْمَدِينَةَ وَالْمَنْعَمَةَ وَالْمَدِينَةَ  
وَالْمَدِينَةَ وَالْمَدِينَةَ وَالْمَدِينَةَ وَالْمَدِينَةَ وَالْمَدِينَةَ وَالْمَدِينَةَ وَالْمَدِينَةَ  
وَالْمَدِينَةَ وَالْمَدِينَةَ وَالْمَدِينَةَ وَالْمَدِينَةَ وَالْمَدِينَةَ وَالْمَدِينَةَ  
وَالْمَدِينَةَ وَالْمَدِينَةَ وَالْمَدِينَةَ وَالْمَدِينَةَ وَالْمَدِينَةَ وَالْمَدِينَةَ

**«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган (иймон-эътиқодли) зотларни (ер юзига) халифа-ҳукмрон қилганидек, уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислом) динини ғолиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг(аҳволини Маккада кўрган) хавфу-хатарларидан сўнг (Мадинада) тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу(ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, бас улар итоатсиз кимсалардир»**(Нур: 55).

Севинч – фазилатли ахлоқлар билан безанган одам учун амалий



## Ислом Нури

самарадир. Кўнгил хотиржамлиги, энг афзал Зотни ва энг афзал оқибатни ҳис этиш, иймон ва ахлоқ ўртасидаги мутаносиблик самарасидир. Булар табиий натижалардир. Чунки одамзот ўз эътиқодига биноан ҳаракат қилар, лойиқ бўлганидек масъулиятини адо этар ва ҳаром қилинган нарсалардан сақланар экан, ўзининг энг яхши ва иродаси кучли инсон эканини ҳис этади. Гўзал ахлоқнинг вазифаси тўғри йўлдан оғган одамга дашном бериб, унинг дўстлари орасида фазилат, фазилатга даъват ва фазилатни қилиш севгисини ёяди. Ахлоқ емирилиши ва фасоднинг омиллари пайдо бўлган улкан бўшлиқ, нафсимиздаги мавжуд катта муҳитдир. Шу боис ушбу бўшлиқ омилини ё эътиқод, даъват ва курашда, ёки, амал ва ислоҳда кўришимиз мумкин. Шу бўшлиққа қараб ахлоқ фасодини кўрамыз. Демак, гўзал ахлоқ нафсларни ботилни ташлаб ҳақиқат билан шуғулланиши ўрнига, бўшлиқда сузиб юришини тўсиб туради.

Дунё давлатларининг бир-бирига очилиши ахлоқдаги муаммони юзага келтирди. Чунки бу халқаро очилишлар кўнгилларда анчагина кенг бўшлиқларни пайдо қилди. Агар Умматда илмий ва фикрий ғовлар бўлса эди, бу бўшлиқни тўсиб қолиши ва унга нисбатан хор ва қабул қилувчи эмас, аксинча, ҳужумкор руҳда бўлиши табиий бўлар эди.

Дарҳақиқат, ахлоқимизнинг эътиқодимизга кучли алоқаси бордир. Балки, ахлоқимизнинг ўзи эътиқоддир. Оиша разияллоҳу анҳога Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ахлоқи ҳақида саол берилганида: «**Унинг хулқи Қуръон эди**»- деб жавоб берган эди. Роббимиз ҳам Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ахлоқи ҳақида:

□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□ □



## Ислом Нури

**«Албатта сиз улуғ Хулқ устидадирсиз»**– деган (Қалам: 4).

Ахлоқнинг Аллоҳга бўлган иймон билан мустаҳкам алоқаси бўлиб, Ислом динида олий мақом ва юксак кадрияти бор. Балки у, аллома Ибн Қоййим раҳимахуллоҳ айтганларидек, диннинг ўзгинасидир: «Ахлоқ – диннинг ўзгинасидир. Ким сизга ахлоқни зиёда қилса, диндорликни ҳам зиёда қилибди».

Демак, ахлоқнинг эътиқод билан мустаҳкам алоқаси бор. Шунинг учун ҳам, хулқи бўлмаган одамнинг иймони йўқдир. Ким ахлоқли бўлса иймонлидир. Хулқ ва иймон бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Униси бўлмаса буниси, буниси бўлмаса униси бўлмайди. Бири нуқсонли бўлса, иккинчиси ҳам нуқсонли бўлади.

Ахлоқнинг боши, унинг Аллоҳ билан бирга бўлишидир. Бу, ахлоқ тизимининг кофир жамиятларда амалга ошмаслигининг сиридир. Кофир ростгўйлик, вафодорлик ва бошқа ахлоқларни ўрганиши мумкин бўлсада, бу ахлоқлар узок вақт ўтмай йўқолиб кетади ва нафс ҳаво олдида енгилади. Чунки улар Аллоҳга боғланмаган. Биз – Ислом уммати эса, ғайбу ошкора нарсаларни билгувчи Зотнинг эътиқодига мансубмиз. Шу боис, ахлоқимиз Аллоҳдан кўрқишга боғланган. Шунинг учун ахлоқимиз ҳаётнинг пинҳона ҳолатида ҳам, ошкора ҳолатида ҳам намоён бўлаверади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Эҳсон - Аллоҳга кўриб тургандек ибодат қилишингиздир. Гарчи сиз уни кўрмасангиз ҳам, у сизни кўриб туради»**– деганлар. Шу ерда бир савол туғилиши мумкин: Инсон хулқ атворини бошқаришда эътиқоднинг шундай роли бор экан, нега бунинг осорларини мусулмонларнинг ҳозирги ҳаётида кўрмаяпмиз?!



## Ислом Нури

Дарҳақиқат, биз, мусулмонлар иддао этаётган эътиқод билан уларнинг хулқ атворлари ва муомалалардаги йўллари ўртасида катта фарқни кўрмоқдамиз.

Тўғриси, иддао қилиш бир нарса бўлса, ҳақиқий иймон бошқа нарсадир. Чунки, иймон – ҳақиқатдир ва ҳар бир ҳақиқатнинг аломати бордир. Иймоннинг аломати эса, амалдир. Иймон қалбга кириб унда ўрнашса, қалб жонланади ва нафсларни унинг талаби билан ҳаракат қилишга ундайди. Ахлоқнинг емирилиш омили иймоннинг заифлиги ёки йўқлигидир. Хулқ атвори бузуқ одам иймони, жумладан, ҳаёси бўлмаган одамдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, мўъмин бўлмайди! Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, мўъмин бўлмайди! Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, мўъмин бўлмайди!»**– дедилар. – Ким, ё Расулуллоҳ?, – деб савол берилганида: **«Қўшниси ёмонликларидан безовта бўлган одам!»**– деб жавоб бердилар (Имом Бухорий 5670).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам иймоннинг устивор ахлоққа ошкора ва кучли алоқаси борлигини таъкидлаб шундай ҳам деганлар: **«Учта(амал)ни қилган одам гарчи рўза тутса ҳам, намоз ўқиса ҳам, ҳаж ва умра қилса ҳам ва ўзини: Мусулмонман!,- деса ҳам, мунофиқдир: гапирса ёлғон гапиради, ваъда қилса ваъдасида турмайди ва омонат қўйилса хиёнат қилади»** (Имом Аҳмад 10938, Абу Яъло 4098).

Одамлар кейинги асрларда дуч келган ахлоқ таназзули туфайли шикоятлар кўпайди. Қўшни қўшнисидан шикоят қилмоқда. Талайгина одамларда омонатдорлик йўқолди, қаллоблик бозори ривожланди, дунёга берилиш барча қадриятлардан устун кўрилмоқда ва буларнинг барчаси фалокат ва бошбошдоқликдан дарак бермоқда. Бундан



## Ислом Нури

ташқари, дунёқарашнинг бузуқлиги ва иймон заифлигига очик далолат қилмоқда. Бунинг оқибатида эса, иймон тушунчаси билан унинг матлаблари орасидаги жирканчли ажралиш юзага келмоқда.

Шу боис, даъатчи ва мураббийлар бу хатардан ҳушёр бўлишлари, одамларга турган ҳолатларини бор ҳақиқати билан очиб беришлари, чин иймонни эътиқод ҳақида ёзилган асарни ахлоқларига риоя қилмай айрим байтларинигина ёд олиш ёки уларни ўрганиш ифода этмаслигини, хулқ атвор, ихлос ва покдомонликда нодир намунага айланган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳобларидан ўрнак олиб, у (иймон)нинг ҳаётдаги воқеъ ва одамлар орасидаги муомалага айланиши зарурлигини баён қилишлари керак.

Ахлоқ эътиқодга, қоришгандан кўра маҳкамроқ боғланган. Шу боис улардан бирини иккинчисидан ажратиш мумкин эмас. Ҳатто, эътиқоддан айри ахлоқни, ахлоқдан айри эътиқодни хаёлга келтириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам, бузуқ ахлоқий хусусиятларнинг барчаси, бузуқ ахлоқ маҳсули эканини қатъий айта оламиз. Аснода, олийжаноб ахлоқлар ўзининг хурофот ва инсоний камчиликлардан йироқ пок эътиқод таълимотидан келиб ва отилиб чиққан эканига очик далолат қилади. Бундан ташқари, биз, бузуқ ахлоқлар дуруст ахлоқларнинг борлигига худди сохта пуллар муомаладаги ҳақиқий пулларнинг борлигига далолат қилганидек ҳужжат эканига ҳам қатъий ишонамиз. Кофир жамият ва мушрик тузумларда синфийлик ҳукмрон бўлиб, кучсиз одамларнинг инсонийлиги таҳқирланиб, бор имкониятлари зулмга хизмат қилиш ва халқлар устидан истибдод юритиш учун истеъмол қилинади. Ширк ва куфр жамиятларида аҳоли ўртасида фоҳишабозлик ривожланади ва қонун тарафидан ҳимоя қилинади. Пасткаш ахлоқий бузуқликлардан ташқари бесоқолбозлик ҳам эътиқодий бузуқлик натижасида юзага келди. Чунки, Лут



## Ислом Нури

алайҳиссалом қавми бу ахлоқсизлик билан шуғулланган, уни ҳимоя қилган, худди инсоний олий ахлоқдек ҳаётга татбиқ қилган, нафси жирканмайдиган ва фитрати рад этмайдиган илк кофир жамят бўлди. Айрим жоҳилий жамятларда одамлар қизчаларини тириклай кўмишар, чорасиз инсонларни қувғин қилишар, жорияларни фоҳишабозликка зўрлашар, судхўрлик, қиморбозлик ва ноҳақ ишларга кўмак бериш авжига чиқар, ҳатто шоир буни: «Зулм қилмаганга зулм қилинур!» дея ифодалаган эди.

Яҳудийларнинг Тавротни бузишлари яҳудийларнинг бошқаларнинг моллари ва туйғуларини ирқчилик билан ҳалол деб ҳисоблашлари оқибатида рўй берди. Ўша кундан бошлаб яҳудийлар бузғунчилик элчиларига айланишди ва Ер юзида поклик ва покдомонлик ахлоқига алоқаси бўлган барча нарсадан айрилишга чорлайдиган ҳалокатли хулқ автор назариясини ёя бошлашди. Уларнинг қалам ва миялари ғайри ахлоқий воситаларни ижод қилишга катта ҳисса қўшди. Улар яланғочлар клуби, ахлоқсизлик соҳиллари – нудистлик, талончи банкаларни ташкил қилдилар ҳамда инсон ҳурматини ҳимоя қилиб, уни ҳайвоний жарликдан қутқарадиган барча ахлоқий хулқ атворларни бўғиб ташлаш учун ҳаракат чақириқларини қўллаб-қувватладилар.

Капиталистик ахлоқ, бузуқ эътиқодий воқеъликнинг табиий натижасидир. Шу боис бўлса керак, ушбу ахлоқ одамзотни бутунлай парчалади ва унга катта таҳдид солмоқда. У қанчалар эмин паноҳ бўлиб кўринсада, бугунги кунда Европа бўйинини эгаётган ахлоқий муаммоларни ҳал қила олмайди. Чунки, бу ахлоқ ҳал қилиш учун келган муаммосининг бир парчаси бўлиб, бузуқ дастур бўйича кетмоқдадир. Шунинг учун ҳам капиталистик ахлоқ одамзотни янги тангри – долларга ибодат қилдира бошлади ва унинг бошига келаётган



## Ислом Нури

бахтиқароликларни кучайтирди. Ҳолбуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Динорнинг қули бахтиқаро бўлсин! Дирҳамнинг қули бахтиқаро бўлсин!»**– деган эдилар (Табароний «Муъжамул кабийр» 422).

Шундай қилиб, барча гўзал ахлоқлар оёқ ости қилинди ва «Натижалар ахлоқи» дея танилган ва бузилган Инжил саҳифаларидаги тарқоқ раббоний ахлоқ қолдиқлари, умуман ҳаётда қолмади. Капиталист сариқ олтин қидириб қизил танли ҳиндулар каби бутун халқ ва элатларни қириб ташлади. Африкада мустамлака қилинган ерларнинг бойликларини тортиб олгач, миллионлаб аҳолисини қўл, оёқ ва бўйинларига кишан солиб, кучидан фойдаланиш учун ўз юртига қул қилиб олиб келди. У ишлаб чиқарган маҳсулот даромади капиталистнинг чўнтагини қаппайтирди. Унинг капиталистик ахлоқига кўра, тери ранги ва бойлик устунлик меъёрига айланди. Германиядаги нацизм, орий ирқни Ер юзидаги барча ирқлардан «афзал» қилиб қўйди. Оқ танли одам Европа, Америка ва Африкада ирқ айримчилигига асосланган ахлоқ билан муомала қилди ва буни ўзини юқорида бўлиши учун истеъмол қилиб, занжиларни, яқин пайтларгача, Жанубий Африкада қора танли бўлганлари учун камситди.

Мазкур халқлар олиб борилган шиддатли курашлар ва оғир қурбонлар бериш натижасидагина капиталист панжасидаги ҳуқуқининг бир қисмини тортиб олишга муяссар бўлди. Ҳануз, у халқларнинг ўзи танлаб олган бўлишига қарамай, зулм билан ҳамнафас ва уни қувватлаган қинғир эътиқод, калтабин истак ва прагматик ахлоқлар орасида йўқ бўлиб кетаётган инсон ҳуқуқларининг поймол бўлаётгани ҳақидаги чақириқлар ҳайқириғини эшитмоқдамиз. Бу халқлар ўз истагига эришгани маҳал, «истак» деб аталган янги сохта тангрининг





## Ислом Нури

«хабарлари»га кўра, унга қимор меҳробида, судхўрликка асосланган банкаларда, эксплуатация бозорларида, фасод ва ахлоқий бузуқлик майхоналарида «ибодат қилинса» бўлаверади. Унга «обидлари» зулм, фирибгарлик, монополия – яккаҳомиятчилик, ахлоқсиз ва ҳайвоний қонунларни чиқариш билан одамзотнинг инсоний жиҳатлари билан ўйнаш ва бунинг учун турли мажлис ва йиғинлар ўтказиб, ҳисобсиз маблағлар сарф этиш билан яқин бўлмоқдалар! Масалан, яқинда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти илгари сурган ва энг ахлоқий тубанликни, жумладан, барча ёшдаги ҳомилани сунъий йўллар билан тушириш (аборт), бўйдоқ ва ёш болалар учун мутлақ шаҳвоний–жинсий ҳуррият берилиши, бўйдоқлик ёшидаги ёшларнинг ота–онаси тарафидан ҳам сўроқланиши мумкин бўлмаган ўзига хос ҳаёти ва сирлари бўлишини кафолатлаган қарорнома бандлари кучга кириши учун бўлиб ўтган Дунё аҳолисига тааллуқли конференция, сўзимизнинг яққол далилидир. Бу – Ер юзидаги бузғунчилик ғояси бўлиб, капиталистик кучлар ва башариятдан ифлос кўралари ва балчиқларига келиши талаб қилинаётган «паноҳи» кўмагида амалга ошмоқда. Бу – илгари европаликнинг саодатини тортиб олган ва бошқа, ўзгача ахлоқ тарзи – ифлос нарсани ҳосил қилиб берадиган ифлос тарз – коммунистик ахлоқни қабул қилишга мажбурлаган эди.

Ислом динидаги ахлоқ эса, ўзининг ахлоқий истилоҳлари билан, Аллоҳ таолога ибодат қилиш ҳақиқатидан отилиб чиқади. У – Аллоҳ одамларни яратган ахлоқдир. Бу, бирон кимса дахл қила олмайдиган ҳақиқат бўлиб, одамзотни бошқа махлуқлардан ажратиб туради ва инсон қалбидаги диндорлик яширинган жойларни қўзғаб, фитрат ва иймонни ҳам яширинган жойида уйғотиб, Аллоҳдан бошқасига бўйинсунишдан озод қилади. Қалб ширк ва ширк омилларидан озод бўлиб, Қуръон ва суннат – ҳукмлар, ҳалол ва ҳаром қилиш манбаи эканига аниқ ишонч ҳосил қилгач, ҳеч иккиланмай диний ахлоқлар



ортидан юриб, ҳаёт оқимини тартибга солади ва ҳаракат ва тинишларини бошқариб боради.

Сўнгги дуомиз: Ҳамдлар барча оламлар Роббиси бўлган Аллоҳга бўлсин!

Аллоҳ таоло пайғамбаримиз Муҳаммад ибн Абдуллоҳга, Унинг оиласи ва асҳобларига салавоту саломлар йўлласин! манба: [Nikmatnuri.com](http://Nikmatnuri.com)